O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
TOSHKENT SHAHAR
MCHJ shaklidagi
«FIDOYIAUDIT»
Auditorlik tashkiloti
TOSHKENT SHAHAR FILIALI

FIDOYIAUDIT

РЕСПУБЛИКА УЗБЕКИСТАН
ГОРОД ТАШКЕНТ
Аудиторская организация
в форме
ООО «FIDOYIAUDIT»
ТАШКЕНТСКИЙ ФИЛИАЛ

100022, Toshkent shahar, Yakkasaroy tumani, Kushbegi ko'chasi, 22 uy.e-mail:fidoyi.audit@mail.ruTel: (+998 71) 250-52-31 ATIB "IPOTEKABANK" Toshkent sh Яшнобод tumani filiali MFO: 00959 H/R: 20 208 000 904 099 182 001 INN: 203 505 716 OKONX: 84400

№ 37
«27» апреля 2017 yil

Тошкент ш.

# Изоҳлар билан фикр билдирилган
# АУДИТОРЛИК ХУЛОСАСИ.

**МЧЖ шаклидаги «FIDOYIAUDIT» аудиторлик ташкилоти** Тошкент шаҳар филиали (Тошкент шаҳар, Қушбеги кўчаси, 22 уй, Лицензия №0001, 2011 йил 21 октябрда берилган) аудитори Аҳмедов Муҳаммад Луқмон Немонович (Молия Вазирлиги томонидан 2014 йил 20 декабрь куни 05278-сонли аудитор малака сертификати берилган) томонидан хўжалик юритувчи субъект «MEXMOST» Акциядорлик Жамиятининг (СТИР 200 640 544) 2016 йил 1 январидан 2016 йил 31 декабрига қадар бўлган давр учун молиявий ҳисоботи аудит кўригидан ўтказилди.

**Хўжалик юритувчи субъект раҳбариятининг жавобгарлиги.**

Хўжалик юритувчи субъект раҳбарияти бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ молиявий ҳисоботнинг тайёрланиши ва ҳаққонийлиги, ҳамда ички назорат тизими учун жавобгардир.

**Аудиторлик ташкилотииинг жавобгарлиги**.

Аудиторлик ташкилоти мазкур молиявий ҳисобот бўйича ўз хулосаси учун жавоб беради.

Биз «MEXMOST» Акциядорлик Жамиятининг илова қилинган молиявий ҳисоботини аудиторлик текширувидан ўтказдик. Аудиторлик текшируви молиявий ҳисобот ва бошқа молиявий ахборотлар барча муҳимлилик жиҳатлари бўйича бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқлиги ва ҳаққонийлигини баҳолашдан иборат. Биз аудиторлик текширувини Аудиторлик Фаолиятининг Миллий Стандартларига мувофиқ ўтказдик. Ушбу стандартлар биз фойдаланувчиларни молиявий ҳисобот жиддий бузиб кўрсатишларга эга эмаслигига етарли даражадаги ишончга эга бўлишни таъминловчи аудиторлик текширувини режалаштиришни ва ўтказишни тақозо этади.

Аудиторлик текшируви аудиторлик далилларини олишга йўналтирилган аудиторлик амалларини ўтказишни ўз ичига олади. Аудиторлик амалларини танлаш бизнинг мулоҳазамизнинг предмети ҳисобланади.

Аудиторлик текшируви давомида олинган аудиторлик далиллари молиявий ҳисоботнинг ишончлилиги тўғрисида фикр билдириш учун етарлича асос бўлади.

Бизнинг фикримизча, махсус қисмда қайд этилган изоҳлар билан фикр билдириш учун асос бўладиган вазиятлар натижасида, бизнинг аудиторлик ташкилоти фикрини ифодалаш учун асосларни таъминловчи етарлича аудиторлик далиллари мавжуд.

**Изоҳлар билан фикр билдириш учун асос.**

2016 йил Аудиторлик ҳисоботида кўрсатилган камчиликлардан ташқари.

Умуман олганда, ушбу молиявий ҳисоботдаги бузиб кўрсатишларнинг таъсирини баҳолаш учун ўрнатилган муҳимлилик даражасидан ошмайди.

**Изоҳлар билан фикр билдириш.**

Бизнинг фикрмизча, изоҳлар билан фикр билдириш учун асос бўладиган баён этилган вазиятларнинг молиявий ҳисоботга таъсиридан ташқари, «MEXMOST» Акциядорлик Жамиятининг (СТИР 200 640 544) 2016 йил 01 январдан 2016 йил 31 декабрь ҳолатидаги молиявий ҳисоботи бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ барча муҳимлилик жиҳатлари бўйича унинг молиявий-хўжалик фаолияти натижаларини ва молиявий ҳолатини ҳаққоний акс эттиради.

**МЧЖ шаклидаги «FIDOYIAUDIT» аудиторлик**
**ташкилоти Тошкент шаҳар**
**филиали аудитори** **М.Н.Аҳмедов**

2017 йил 27 апрель